

“Навоийуран” давлат корхонаси ва унинг таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисидаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан келиб тушган хабарларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш РЕГЛАМЕНТИ	Receiving and reviewing messages received by the State Enterprise "Navoiyuran" and its subsidiaries through communication channels regarding corruption, transparency and violations of the law on openness and monopoly R E G U L A T I O N
1-боб. Умумий қоидалар	Chapter 1. General rules
1. Мазкур Регламент “Навоийуран” давлат корхонаси ва унинг таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Корхона) да коррупцияга нисбатан мурасасиз муҳитни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупциявий хаттиҳаракатлар, очиқлик ва монополия ҳақида корхона манфаатларини кўзлаб хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солиш ва тегишли таъсир чораларини кўриш мақсадида ишлаб чиқилган.	1. This Regulation is aimed to create an environment intolerance to corruption in the SE Navoiyuran and its structural divisions (hereinafter referred to as the "Enterprise"), preventing conflicts of interest, taking effective measures to protect persons who report corruption, openness and monopoly in the interests of the Enterprise, and other relations to their protection were developed in order to take appropriate measures.
2. Мазкур Регламент корхона ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ва корхонанинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар, очиқлик ва монополияга оид ички идоравий ҳужжатлари талаблари бузилиши, манфаатлар тўқнашуви содир этилганлиги, шунингдек Одоб-ахлоқ кодекси талаблари бузилиши ҳолатлари бўйича келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, корхона раҳбариятига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.	2. This Regulation governs the handling of messages received by employees of the Enterprise regarding violations of the legislation of the Republic of Uzbekistan on combating corruption and the requirements of internal departmental documents of the Enterprise regarding corrupt behavior, openness and monopoly, conflict of interests, as well as violations of the requirements of the Code of Ethics basic principles, and determine the procedure for receiving messages, registering and reviewing them, also reporting to the Management of the Enterprise.
3. Мазкур Регламентнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади: коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар – (кейинги ўринларда – хабар деб юритилади) коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги мурожаат;	3. For the purposes of this Regulation, the following basic concepts and terms are used: report on a corruption offense - (hereinafter referred to as a report) an oral, written or electronic appeal containing information about an act with signs of corruption, which the law provides for liability;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида, қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш; коррупциявий хатти–ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк, мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш; коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат; очиқликни таъминлаш ҳақидаги қонунчилик ҳужжатлари - давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, очиқлик соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлар, шу жумладан ички идоравий ҳужжатлар; монополия - иқтисодиётнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик асосида бозорни ташкил этиш шакли; манфаатлар тўқнашуви - шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Корхонанинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;	corruption - illegal use of a person's position or official position for personal interests or the interests of other persons, in order to obtain material or immaterial benefits, as well as illegal presentation of such action; corrupt behavior - the employee directly or indirectly, personally or through third parties, has a material interest for action or inaction in the interests of the bribe payer, including money, valuable securities, other forms of property, property rights, receiving, demanding, extorting services of a proprietary nature , offering or giving, giving and/or receiving bribes or mediating in it, collecting payments for simplifying formalities (bribes) and illegally using one's official duties for other illegal purposes; corruption offense - behavior with signs of corruption for which responsibility is established by the legislation of the Republic of Uzbekistan; legislative documents on ensuring openness - improving public control by ensuring the openness and transparency of the activities of state bodies and organizations, freedom of information, as well as laws and regulations in the field of openness, including internal departmental documents; monopoly - a form of market organization based on exclusive dominance in one area of the economy; conflict of interest - a person's personal (direct or indirect) interest affects or may affect the proper performance of his/her position or service obligations, and a conflict arises between his/her personal interest and the rights and legal interests of citizens, organizations, Enterprises, or the state (there is conflict of interest) or potential (conflict of interest) situation;
--	--

ишонч телефони – корхонага телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш; хабар берувчи – алоқа каналлари орқали корхонадаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда бошқа қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар; хабар берувчи содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган меъёрларга ҳилоф хатти-ҳаракатларнинг тахмин қилинган ҳолатлари ёки корхонанинг миссияси ва обрўсига зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақида хабар бериши шарт. хабар берувчи ҳақидаги сир – хабар берувчининг шахсига оид маълумотлар ёки бошқа сир тугилиши зарур бўлган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинмаслиги; учинчи шахслар - фуқаролик ҳуқуқида бевосита фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этмайдиган, лекин вужудга келган ҳуқуқий муносабатда муайян даражада ҳуқук ва мажбурият туғдирадиган субъектлар. Учинчи шахслар билан муносабатларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги, шунингдек махфий ва тижорат сирига оид маълумотларни ошкор этилмаслиги алоҳида назоратга олиниши лозим; тааллуқли хабар – корхонадаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар, очиқлик ва монополияга оид ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви, Одоб-ахлоқ кодекси талаблари ҳамда бошқа қонун бузилишлар ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар; ходим – корхона билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс; ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари);	hotline - centralized reception of appeals to the Enterprise by phone; informant - any individual or legal entity who applies for information about corrupt behavior in the Enterprise and other violations of the law through communication channels; the informant is obliged to report alleged cases of misconduct that has been committed or may be committed, or any actions that may or may harm the mission and reputation of the Enterprise. confidentiality of the informant - non-disclosure of information about the identity of the informant or other confidential information to third parties; third parties - entities that do not directly participate in civil legal relations in civil law, but create rights and obligations to a certain extent in the legal relations that have arisen. In relations with third parties, it is necessary to ensure that conflicts of interest are not allowed, as well as disclosure of confidential and commercial secret information; relevant message - a message consisting of information about corrupt behavior in the Enterprise, actions related to openness and monopoly and conflict of interests, requirements of the Code of Ethics and other violations of the law; employee - a natural person who entered into labor relations with the Enterprise; employee's personal interest - the opportunity to receive personal benefits in the form of money, material or intangible wealth, other property and benefits, which may affect the employee's proper performance of his or her position or service obligations, in the course of performing his or her duties, for the benefit of himself or third parties (personal , social, financial, political and other commercial or non-commercial interests);
4. Корхона коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:	4. The Enterprise organizes the work of communication channels intended to provide information about corrupt actions based on the following principles:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган корхонанинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар хабар берувчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, корхона унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди; қонунийлик – корхона алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, корхонанинг ички идоравий ҳужжатлари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади; хабар берувчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан корхона ходими хабарнинг мазмунидан ва коррупция фактини беғараз мақсадда виждонан маълум қилган бўлса, лекин бу факт ўз тасдиғини топишидан қатъий назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди; хабар берувчини таъқиб қилиш – ҳимояланган фаолиятда иштирок этиши натижасида ариза берувчига тавсия этилган, таҳдид қилинган ёки унга нисбатан қилинган ҳар қандай бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки зарарли ҳаракатларни англатади. Таъқиб қилиш бошқалар қаторида, камситиб мурожаат қилиш, иш ҳақини ўзгартириш, лавозимни пасайтириш ёки бошқа жойга кўчириш ишдан бўшатишни ўз ичига олиши мумкин; хабар берувчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари корхона томонидан хабар берувчига етказилиши лозим; таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, корхона айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади; давлат органлари ва ташкилотлари – давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат муассасалари, давлат унитар корхоналари, юридик шахс мақомига эга давлат мақсадли жамғармалари ҳамда устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан	confidentiality and security - all authorized persons of the Enterprise, who are allowed to use messages in communication channels, do not have the right to give (disclose) these messages to unauthorized persons. If the informant disclosed his message to other employees or third parties at his own will, including as a result of carelessness, the Enterprise shall not be responsible for its disclosure; legality - reception, registration, processing and review of messages received through the Enterprise's communication channels are carried out strictly in accordance with the requirements of the legislation of the Republic of Uzbekistan, internal departmental documents of the Enterprise and this Regulation; non-prosecution of the informant - a natural and legal person who voluntarily reported on corrupt activities through communication channels, in particular, an employee of an Enterprise, informed about the content of the message and the fact of corruption in good faith, but this fact is not subject to any responsibility, regardless of whether it is confirmed; persecution of an informant - means any direct or indirect harm or harmful actions recommended, threatened, or directed at an informant as a result of participation in a protected activity. Persecution may include discriminatory treatment, salary changes, demotion or transfer; mandatory feedback to the informant - if the message is not anonymous, the results of its review must be communicated by the Enterprise to the informant; the obligation of applying measures for influence - in case the fact of corruption is confirmed, the Enterprise is to bring the guilty persons to justice acts in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan; state bodies and organizations - state bodies, local executive authorities, state institutions, state unitary Enterprises, state purpose funds with the status of a legal entity, and economic entities with a state share of 50 percent or more in the charter fund, and this farm in the charter fund (authorized
---	--

юқори бўлган ҳўжалик субъектлари ва устав фондида (устав капиталида) ушбу ҳўжалик субъектларининг улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар; иш берувчи – жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларига киришган, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда умумий ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажариш ваколати берилган шахс; комплаенс хизмати – корхонада коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини қўришга масъул тузилма.	capital) legal entities whose share of subjects is 50 percent or more; employer - a person who enters into labor relations with individuals, performs general organizational-management, administrative-economic tasks in enterprises, institutions, organizations, and is authorized to perform legally significant actions, regardless of the form of ownership; compliance service - a structure responsible for early identification and prevention of corruption cases in the Enterprise, elimination of their causes and conditions, prevention of conflict of interests and formation of an intolerant attitude towards corruption.
2-боб. Хабар берувчини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари.	Chapter 2. Basic principles of informant protection.
5. Хабар берувчини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: - қонунийлик; - хабарларни корхона манфаати сифатида қўриб чиқиш; - ҳимоя қилишнинг адолатлилиги; - ҳолислик принциплари; - хабар берувчи ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши; - хабар берувчининг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш.	5. The main principles of informant protection are as follows: - legality; - consideration of messages in the interest of the enterprise; - fairness of protection; - principles of objectivity; - confidentiality of informant information; - respecting the honor and dignity of the informant.
3-боб. COMPLAINT хизматининг хабар берувчини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари.	Chapter 3. Informant protection powers of the Compliance Service.
6. COMPLAINT хизмати қонунчилик ва корхонанинг ички ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида: - хабар берувчининг шахсий ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилади; - хабар берувчининг шахси ва олинган хабарнинг сир тутилишини таъминлаш чораларини қўришда иштирок этади; - хабар берувчига нисбатан таъқиб, тазйиқ ва меҳнат қонунчилигининг бошқача тартибда бузилиши ҳолатлари аниқланганда юқори турувчи органга, коррупцияга қарши курашиш агентлигига ёки ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларига мурожаат қилиш чораларини қўради; - хабар берувчига нисбатан ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини таъминлашга қўмаклашади; - хабар берувчини ҳимоя қилиш масалаларида	6. The Compliance Service within the scope of powers established by legislation and internal documents of the Enterprise: - protects the informant's personal and business reputation; - participates in taking measures to ensure the identity of the informant and the received message are kept confidential; - when cases of persecution and other violations of labor legislation are detected against the informant, Compliance Service takes measures to apply to a higher authority, anti-corruption agency or state bodies providing protection; - helps to ensure the execution of decisions on the application of protective measures against the informant; - other state bodies in matters of informant protection and cooperates with organizations;

бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади; - хабар берувчининг шахсига доир маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлайди. Комплаенс хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.	- provides non-disclosure of information about the informant's identity. The Compliance Service may have other powers in accordance with legislation.
4-боб. Хабар берувчининг ҳуқуқлари	Chapter 4. Informant's Rights
7. Хабар берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: - шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиш; - ҳимоя чораларини қўллаш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш; - қонунчиликда тақиқланмаган ҳимоя воситаларини ҳимоя қилишни таъминловчи органлар билан келишган ҳолда, шахсий ташаббуси билан танлаш ёки ўзгартириш; - ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларидан ҳимоя чораларининг қўлланилиши ва уларнинг хусусияти ҳақида билиш; - яқин қариндошларига нисбатан ҳимоя чораларини қўллашни талаб қилиш; - хабар берувчини ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларидан ҳуқуқий маслаҳат олиш; - давлат органларининг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), меҳнат қонунчилиги бузилиши устидан шикоят қилиш; - хабар қилинган ёки ошкор қилинган маълумот манбасининг сир сақлаш; - психологик ёрдам олиш; - хабар берганлик натижасида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсадида давлат божи тўламасдан судга мурожаат қилиш. Хабар берувчи мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиши учун жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Хабар берувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.	7. The informant has the following rights: - demand to ensure personal and property safety; - apply for the application of protective measures or their cancellation; - to choose or change protective means not prohibited by law, on his own initiative, in agreement with the bodies providing protection; - to learn about the application of protective measures and their nature from the state bodies providing protection; - to demand the application of protective measures against close relatives; - obtaining legal advice from state bodies providing protection of the informant; - to complain about decisions of state bodies, actions (inaction) of officials, violations of labor legislation; - confidentiality of the reported or disclosed source of information; - getting psychological help; - to apply to the court without paying the state duty in order to recover the material and moral damage caused to him as a result of reporting. The informant shall be released from responsibility for the act committed under force or threat in accordance with the procedure established by the legislation of the Republic of Uzbekistan. The informant may have other rights under the law.
5-боб. Хабар берувчининг мажбуриятлари	Chapter 5. Obligations of the informant
8. Хабар берувчи: - ваколатли давлат органлари ва корхона томонидан қабул қилинган қарорларни, шунингдек уларнинг қонуний талабларини бажариши; - ўзига нисбатан қилинган ҳар бир таҳдид ёхуд ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тўғрисида ваколатли давлат органлари ва корхонанинг комплаенс хизматига дарҳол	8. Informant: - to fulfill the decisions made by the authorized state bodies and the Enterprise, as well as their legal requirements; - to immediately inform the authorized state bodies and the Enterprise 's Compliance Service about any threat or illegal action or inaction against him;

хабардор қилиши; - ўзига нисбатан қўлланилган ҳимоя чоралари ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслиги; - хабар беришда беғараз бўлиши, бошқа шахсларнинг нуфузи ва ижтимоий мавқеига қасддан ёки шахсий адоват асосида путур етказмаслиги шарт. Хабар берувчининг зиммасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.	- not to disclose information about protective measures applied to him; - it is necessary to be impartial in reporting, not to damage the reputation and social status of other persons intentionally or on the basis of personal enmity. The informant may have other obligations in accordance with legislation.
6-боб. Иш берувчининг ҳуқуқлари	Chapter 6. Employer's rights
9. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: - хабарни кўриб чиқиш натижалари бўйича айбдор ходимларни бевосита ҳақиқий зарар учун интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш; - хабар берувчининг розилиги асосида, унинг шаъни ва кадр қиммати камситувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида, хабар берувчининг иш жойини ўзгартириш; - хабар берувчини ҳимоя қилиш масалаларида бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш; - хабар берувчини ваколат доирасида рағбатлантириш.	9. The employer has the following rights: - according to the results of the review of the message, bring the guilty employees to disciplinary and material responsibility for actual damage; - on the basis of the informant's agreement, in order to prevent actions demeaning his honor and dignity, to change the informant's place of work; - cooperation with other state bodies and organizations in matters of informant protection; - encourage the informant within the scope of authority.
7-боб. Иш берувчининг мажбуриятлари	Chapter 7. Obligations of the employer
10. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур: - келиб тушган хабарни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши, белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва тегишли чораларнинг кўрилишини таъминлаш; - хабар берувчига нисбатан ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини таъминлаш; - хабар берувчининг шахсий ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш; - хабар берувчига нисбатан асоссиз интизомий жазо қўлланиши, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш ва бошқа шаклларда таъқиб қилинишига йўл қўймаслик; - хабар берувчининг лавозимини ўзгартириш ва мансаб поғонасини ёки тоифасини кўтарилишини чекламаслик; - хабар берувчининг иш ҳажмини қайта тақсимлаш, ўтказиш, мажбуриятларни рад этиш ишларини амалга оширмаслик; - хабар берувчига иш ҳақини тўлашда ва рағбатлантиришда камситмаслик; - хабар берувчининг таълим олиши, малака ошириши ёки ўзининг касбий ривожланиши имкониятларини чекламаслик; - хабар берувчини мавжуд ахборот ёки ташкилот ихтиёридаги бошқа моддий ресурслардан фойдаланишини чекламаслик;	10. The employer is obliged to: - to ensure that the received message is registered in the appropriate manner, considered within the specified periods and appropriate measures are taken; - ensuring the execution of decisions on the application of protective measures against the informant; - protection of the informant's personal and business reputation; - to prevent unjustified disciplinary punishment, termination of the employment contract or transfer to another job, demotion, discrimination, pressure and other forms of persecution against the informant; - not to limit the informant's change of position and promotion of the rank or category; - failure to redistribute, transfer, and reject obligations of the informant's workload; - non-discrimination in the payment of wages and incentives to the informant; - not to limit the informant's opportunities for education, training or professional development; - not restricting the informant from using available information or other material resources at the organization's disposal;

- ходимнинг Жамоа шартномасида кўрсатилган бошқа ҳуқуқларини чекламаслик; - хабар берувчининг иш шароитларига зарар етказмаслик.	- not to limit other rights of the employee specified in the Collective Agreement; - not to harm the informant's working conditions.
8-боб. Хабарларнинг тоифалари	Chapter 8. Categories of messages
11. Хабарлар қуйидаги тоифалардан иборат: - мулкни мақсадсиз ёки ноқонуний сарфлаш ёхуд талон-торож қилиш; - хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик; - ҳужжатларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш; - мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳаракатсизлик, совуққонлик; - порахўрлик ёки қонунга хилоф равишда бошқа турдаги моддий ёхуд номоддий наф олиш; - монополия, очиклик ва давлат харидлари ёки давлат-хусусий шерикчилик соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши; - манфаатлар тўқнашуви ва Одоб-ахлоқ кодекси талабларининг бузилиши.	11. Messages consist of the following categories: - purposeless or illegal spending or looting of property; - fraud using the service position; - falsification of documents; - abuse of official authority, deviating from the scope of official authority, inactivity, coldness; - bribery or obtaining other types of material or non-material benefits against the law; - violation of the requirements of legislation in the fields of monopoly, openness and public procurement or public-private partnership; - conflict of interest and violation of requirements of the Code of Ethics.
9-боб. Коррупция, очиклик ва монополияга оид ҳаракатлар ҳақида хабар бериш учун алоқа каналлари	Chapter 9. Communication channels for reporting corruption, transparency and monopoly activities
12. Тааллуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин: - корхонанинг расмий веб-сайти орқали (https://www.navoiyuran.uz/); - телеграм-бот канали орқали (@navoiyuran_antikor_bot); - корхонанинг ишонч телефон рақамлари орқали 79-507-00-55; - корхонанинг электрон почта манзиллари орқали info@navoiyuran.uz; - корхонага оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда (шахсан) мурожаат қилиш орқали; - Комплаенс хизматининг масъулларига шахсан мурожаат қилиш орқали; - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали; - мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали.	12. The relevant message can be sent through the following communication channels: - through the official website of the Enterprise (https://www.navoiyuran.uz/); - via telegram-bot channel (@navoiyuran_antikor_bot); - through the Enterprise 's hotline numbers 79-507-00-55; - through the Enterprise's e-mail address info@navoiyuran.uz; - by contacting the Enterprise orally, in writing or electronically (in person); - by contacting the officials of the Compliance Service in person; - through law enforcement agencies; - through other communication channels not specified in this Regulation.
13. Корхона алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни корхонанинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ҳамда каналларига жойлаштиради, шунингдек ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон тарқатма ҳамда ўқув материалларига киритади, корхона биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.	13. Places information about communication channels on the Enterprise's official website and social network pages and channels, as well as includes it in electronic distribution and training materials sent periodically to employees, displays it on thematic posters placed in the Enterprise building, etc.
10-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш	Chapter 10. Receiving relevant messages through communication channels

14. Корхонанинг алоқа каналлари орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш ҳамда рўйхатга олиш учун Офис-менежер бўлими ҳамда Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими масъул ҳисобланади. Бунда, тааллуқли хабар келиб тушганда корхона масъул ходими хабар берувчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни рўйхатга олади ва маълумотни корхона раҳбариятига киритади.	14. The office-manager department and the department for control and coordination of cases related to the appeals of individuals and legal entities are responsible for receiving and registering messages received through the Enterprise's communication channels. In this case, when the relevant message is received, the responsible employee of the Enterprise contacts the informant by e-mail or by phone, specifies the necessary information, registers the message and enters the information to the Management of the Enterprise.
15. 14-бандда кўрсатилган бўлимларнинг масъул ходими келиб тушадиган хабарларни ҳафтанинг душанба-жума кунлари соат 08:00 дан 17:00 га қадар таҳлил қилади. Агар мурожаатлар иш вақтидан ташқари вақтда ёки дам олиш кунлари келиб тушса, мазкур мурожаатлар навбатдаги иш кунида кўриб чиқилади. Агар хабар берувчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, жумладан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини кўрсатади. Бунда, тақдим этилган маълумотларни конфиденциаллигини таъминлаш мурожаатни қабул қилган ва рўйхатга олган ходимлар зиммасига юкланади. Олинган маълумотлар тааллуқли мурожаатга илова сифатида расмийлаштирилади.	15. The officer in charge of the departments specified in point 14 will analyze incoming messages from Monday to Friday from 08:00 to 17:00. If appeals are received out of working hours or on weekends, these appeals will be considered on the next working day. If the informant has additional materials to confirm his message, including photographs, documents, audio and video recordings, the officer responsible for receiving the appeal will indicate the communication channels used for their submission. In this case, it is the responsibility of the employees who received and registered the application to ensure the confidentiality of the provided information. The received information is formalized as an attachment to the relevant application.
16. Корхонанинг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом асосидаги “Навоийуран” ДКнинг ички идоравий ҳужжатида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва корхона раҳбарияти топшириғи (муносабат белгиси) асосида масъул тузилмага чиқарилади.	16. Relevant messages received from the following communication channels of the Enterprise SE Navoiyuran based on the model regulation "On the procedure for working with appeals of individuals and legal entities in state bodies, state institutions and organizations with state participation" approved by the decision of the Cabinet of Ministers dated May 7, 2018 № 341 is registered in the order provided for in the internal departmental document and is assigned to the responsible structure on the basis of the assignment (attitude symbol) of the Management of the Enterprise.
17. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви, очиқлик ва монополия тўғрисида қонун бузилиш ҳолатлари бўйича корхонанинг алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар комплаенс хизмати томонидан кўриб чиқилади. Одоб-ахлоқ кодекси талаблари бузилиши бўйича корхонанинг алоқа каналларидан келиб тушган хабарлар Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилади.	17. Relevant messages received from the Enterprise's communication channels in cases of violations of the law on corruption and conflict of interest, transparency and monopoly are considered by the Compliance Service. Messages received from the Enterprise's communication channels regarding violations of the requirements of the Code of Ethics will be considered by the Ethics Commission in an appropriate manner.
18. Хабар берувчиларга содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий	18. Informant have the option to leave anonymous reports about alleged or suspected corruption,

ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имконияти мавжуд.	transparency and monopoly.
19. Коррупциявий ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисида аноним хабар келиб тушган ҳолларда, мурожаатни қабул қилган масъул, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим: - корхонага келиб тушган хабарга жавоб бериш учун хабар берувчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида хабар берувчига маълум қилиши; - қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмаслик мумкинлигини билдириши; - хабар берувчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, телеграмдаги махфий чат ва бошқалар.); - хабар берувчи қарши ариза ёзган тақдирда ҳам аризадаги маълумотлар тегишли масъулларга текшириш учун юборилиши ва бу ҳақида мурожаат муаллифига хабар бермаган ҳолда ўрганиб чиқилиши мумкин. Аноним хабарлар қонунчиликка асосан ўрганилмаслиги, аммо хабарда келтирилган коррупциявий хавф-хатарларни келгусида олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилиши учун хизмат қилиши мумкин.	19. In cases of receiving an anonymous report about corruption, openness and monopoly, the person in charge who received the appeal should, if possible, do the following: - to inform the informant that they may not be able to contact the informant to respond to the message received by the Enterprise; - to indicate the possibility of not being able to fully and comprehensively study the message in the absence of the opportunity to obtain additional necessary information; - offers the informant to establish an anonymous communication channel to contact him (anonymized e-mail address, secret chat in Telegram, etc.); - even if the informant writes a counter-application, the information in the application can be sent to the relevant officials for verification and studied without notifying the author of the application. Anonymous messages may not be investigated according to the law, but may serve to take appropriate measures to prevent the corruption risks mentioned in the message in the future.
20. Корхона ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.	20. In the process of reviewing the messages received by the employees of the Enterprise, the reasons and circumstances of committing a corruption offense will be analyzed, and measures will be taken to prevent them and improve the anti-corruption system in the future.
21. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва хабар берувчиларга юборилган жавоблар) корхонанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши лозим.	21. All relevant materials, documents and information regarding received messages (including decisions made and responses sent to informants) in the Enterprise's service for control and coordination of cases related to the appeals of individuals and legal entities for the period specified by the legislation of the Republic of Uzbekistan, at the same time not less than 10 years should be kept for an indefinite period.
22. Тааллуқли хабар корхонанинг ҳудудий (таркибий) бўлинмаларига келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбарини ва комплаенс хизмати масъулини келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, улар ўз навбатида ушбу хабарни корхонанинг комплаенс хизматида	22. If the relevant message is received by the regional (structural) divisions of the Enterprise, the responsible employees who receive it immediately notify the Head of the regional (structural) division and the Head of the Compliance Service in writing about the received message, who in turn will send this message to the Compliance Service of the Enterprise. The

юборади. Комплаенс хизмати олинган хабарни мазкур регламентга мувофиқ кўриб чиқади.	Compliance Service will consider the message received in accordance with this regulation.
23. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви, очиқлик ва монополия тўғрисида қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек Одоб-ахлоқ кодекси талаблари бузилиши бўйича келиб тушган хабарлар Реестри корхона бўлинмалари томонидан юритилади, шунингдек якуний ҳисобот комплаенс хизматида умумлаштирилади.	23. Reports of violations of the law on corruption and conflict of interest, transparency and monopoly, as well as violations of the requirements of the Code of Ethics are kept by the Registry of the enterprise units, and the final report is summarized in the Compliance Service.
24. Корхонанинг ҳеч бир ходим ўз мавқеидан фойдаланиб, бошқа ходимларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ёки ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.	24. No employee of the Enterprise may use his position to prevent other employees from exercising their rights or performing their duties.
11-боб. Коррупциявий ҳаракатлар, очиқлик ва монополия ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш	Chapter 11. Reviewing reports of corruption, openness and monopoly
25. Комплаенс хизматига келиб тушган барча тааллуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки корхона раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.	25. All relevant messages received by the Compliance Service are reviewed by the responsible employees of this structure or by other departments based on the assignment of the Head of the Enterprise.
26. Коррупциявий ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.	26. It is prohibited to involve employees whose actions are reported or who may have a conflict of interest in the process of reviewing reports of corruption, openness, and monopoly.
27. Тааллуқли хабар келиб тушганда комплаенс хизмати ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг корхона тизимига тааллуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги текширади. Дастлабки текшириш тааллуқли хабар комплаенс хизматига келиб тушган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида амалга оширилади.	27. When a relevant message is received, the employee of the Compliance Service conducts a preliminary check and analyzes its relevance, that is, checks whether the information indicated in the message is related to corruption violations and (or) cases of conflict of interests related to the Enterprise system. The preliminary inspection is carried out within 3 (three) working days from the date of receipt of the relevant message to the Compliance Service.
28. Мазкур Регламентга мувофиқ дастлабки текшириш натижаларидан қатъий назар, бу ҳақдаги ахборот реестрга киритилади.	28. In accordance with this Regulation, regardless of the results of the preliminary inspection, information about this will be entered into the register.
29. Агар Комплаенс хизмати ходими хабар тааллуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида корхонанинг тегишли тузилмасига ўтказиш учун раҳбариятга билдиришнома киритади.	29. If the employee of the Compliance Service comes to the conclusion that the message is not relevant, this message will be sent to the Management within one working day to be transferred to the appropriate structure of the Enterprise.
30. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар, очиқлик, монополия тўғрисидаги қонун бузилиш ҳолатлари ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса,	30. If the report contains information about corruption, transparency, violations of the law on monopoly and conflicts of interest, as well as sufficient grounds for conducting a service audit, the employee of the Compliance Service will

комплаенс хизмати ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.	initiate a service audit in accordance with the procedure specified in the internal departmental document.
31. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш корхонага келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Корхонанинг раҳбари ҳамда ўринбосарлари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.	31. Content consideration of relevant messages within one month from the date of receipt by the Enterprise, in cases where it is necessary to carry out an inspection, request additional materials or take other measures, the terms of their consideration may be extended by one month as an exception by the Head and deputies of the Enterprise, the applicant will be informed about it (except for anonymous applications).
32. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят белгилари аниқланган тақдирда тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юборилади.	32. In the course of reviewing the relevant messages, in the event that signs of an administrative offense or crime are detected, they will be sent to the law enforcement bodies in accordance with the procedure established by law.
33. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра, ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати комплаенс хизмати томонидан тайёрланиб, корхона раҳбари, ўринбосарлари ёки комплаенс хизмати раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда хабар берувчига юборилади.	33. According to the results of the review of the relevant messages, a response letter indicating the results of the study and the applied impact measures will be prepared by the Compliance Service, signed by the Head of the Enterprise, deputies or the Head of the Compliance Service, and sent to the informant in the prescribed manner.
34. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ҳамда телеграм-бот орқали келиб тушган тааллуқли хабарларга жавоб хабар берувчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилиши мумкин.	34. Responses to relevant messages received through social network channels and pages and Telegram-bot can be sent to the informant in electronic form through social network channels and pages or Telegram-bot.
12-боб. Ҳисобдорлик	Chapter 12. Accountability
35. Реестрдан комплаенс хизмати ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа корхонанинг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), корхона раҳбари ҳамда Кузатув кенгашининг коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси фойдаланиши мумкин.	35. The registry can be used by employees of the Compliance Service, employees of the relevant other Enterprise involved in the review of reports (only related to such reports), the Head of the Enterprise, and the anti-corruption and ethics committee of the Supervisory Board.
36. Реестр маълумотлари асосида комплаенс хизмати ҳар чоракда корхона раҳбарига ҳамда заруриятга кўра, Кузатув кенгаши ва коррупцияга қарши курашиш агентлигига коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади: - келиб тушган хабарлар, шундан тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони; - коррупциявий ҳаракатлар, очиқлик, монополия ва манфаатлар тўқнашуви	36. Based on the data of the register, the Compliance Service shall provide quarterly to the Head of the Enterprise and, as necessary, to the Supervisory Board and the anti-corruption agency, a report on the receipt of reports on corruption activities, and it shall indicate the following: - number of received messages, including relevant messages and reviewed relevant messages; - the number of reports concerning cases of corruption, openness, monopoly and conflicts of interest; - the number of relevant messages with violation

ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони; - кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони; - тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати; - хабар берувчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.	of review periods; - the average period of consideration of relevant messages; - the communication channels most used by the informants and other statistics.
13-боб. Яқунловчи қоидалар	Chapter 13. Final Provisions
37. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.	37. Violation of the requirements of this Regulation shall cause liability in accordance with the established procedure.
38. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши мумкин.	38. This Regulation may be revised when the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of appeals and anti-corruption changes.
39. Мазкур Регламентга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.	39. Any changes to these Regulations shall be approved by the Supervisory Board.

“Навоийуран” давлат корхонаси ва унинг таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисидаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан келиб тушган хабарларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш регламентига илова

Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар, очиқлик ва монополия тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ

Т/р	Хабар келиб тушган сана	Ҳудуд	Хабарнинг тоифаси (коррупциявий хатти-ҳаракат, манфаатлар тўқнашуви)	Мурожаатлар билан ишлаш тизимида рўйхатга олинган сана ва рақами	Хабар юборилган алоқа канали	Хабар берувчи маълумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, қайта алоқа маълумотлари)	Хабарнинг қисқача мазмуни	Хабар тааллуқли бўлган тузилма	Кўриб чиқиш натижалари қаноатлантирилди/ тушунтириш берилди/ кўрмасдан қолдирилди	Хабар берувчига жавоб юборилган сана ва хат рақами	Ижрочи	Хабарни кўриб чиққан тузилма раҳбари	Изоҳ
1.													
2.													
...													

**Annex to the Regulation on receiving and reviewing messages received by the State Enterprise
"Navoiyuran" and its subsidiaries through communication channels regarding corruption,
transparency and violations of the law on openness and monopoly**

**REGISTER for receiving messages about corrupt behavior, openness and monopoly
through communication channels to the Enterprise and its subsidiaries**

№	Date when the message was received	Territory	Category of the message (corrupt behavior, conflict of interest)	Date and number registered in the applicatio n processin g system	Communi cation channel through which the message was sent	Information of the informant (individual or legal entity, contact information)	Summary of the message	Structure to which the message applies	Results of the review are satisfactory/ explanation given/ left unseen	Date and letter number of the reply to the informant	Executive	Head of the structure that reviewed the message	Explanation
1													
2													
...													